

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА УМИДА ТОХТАСИНОВНА

БОЛАЛАР ФОРМАЛИ КИЙИМИНИ КОМПЛЕКС
ЛОЙИХАЛАШ УСЛУБИЯТИ

05.06.04 – Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Contents of the Abstract of Doctor Dissertation

Муминова Умида Тохтасиновна

Болалар формали кийимини комплекс лойихалаш
услубияти..... 3

Муминова Умида Тохтасиновна

Методология комплексного проектирования
детской форменной одежды..... 31

Muminova Umida Tokhtasinovna

Integrated design methodology children's uniform..... 59

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 63

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

МУМИНОВА УМИДА ТОХТАСИНОВНА

**БОЛАЛАР ФОРМАЛИ КИЙИМИНИ КОМПЛЕКС
ЛОЙИҲАЛАШ УСЛУБИЯТИ**

05.06.04 – Тикув буюмлари технологияси ва костюм дизайни

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)
ДИССЕРТАЦИЯ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2020

Техника фанлари доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.3.DSc/T190 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти веб-сайтига (www.titli.uz) ҳамда “Ziyonet” (www.ziyonet.uz) Ахборот-таълим порталига жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Ташпулатов Салих Шукурович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нигматова Фотима Усмановна
техника фанлари доктори, профессор

Бобожонов Хусан Тоирович
техника фанлари доктори, доцент

Валиев Гулам Набиджанович
техника фанлари доктори, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Жиззах политехника институти


Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.T.08.01 рақамли Илмий кенгашининг 2020 йил 1 июль соат 9⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (манзил: 100100, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси-5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titli_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 2-қават, 222-хона).


Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот - ресурс марказида танишиш мумкин (75- рақам билан рўйхатга олинган).


Манзил: Тошкент шаҳри, Шохжаҳон кўчаси, 5-уй, тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат 2020 йил “29” 06 да тарқатилди,
(2020 йил “25” июндаги № 74 рақамли реестр баённомаси).




Б.О.Онорбоев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д.


А.Э.Гуламов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д.


Ш.Ш.Хакимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги
Илмий семинар раиси, т.ф.д.

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда инновацион технологияларни жорий этиш йўли орқали тайёр тўқимачилик ва тикув-трикотаж буюмлари сифат кўрсаткичларини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. “Тўқимачилик дунё бозорида тикув маҳсулотлари учун мўлжалланган газламаларни ишлаб чиқариш 120 млрд.м² ни ташкил этади, бунда Шарқий ва Жанубий Осиё, АҚШ, Европа МДХ мамлакатлари етакчи ўринни эгаллайди”.¹ Шу билан боғлиқ ҳолда, хомашё ресурслари логистикаси, ишлаб чиқаришни локализациялаш, инновацион лойиҳалаш методларини жорий этиш ва маҳаллий хомашёдан самарали фойдаланган ҳолда импорт ўрнини босувчи рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш ҳисобига ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифат кўрсаткичлари ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ бўлган муаммоларни комплекс ечимини топиш мамлакатимизда енгил саноатни ривожлантириш ва иқтисодий вазиятни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга.

Республикада кенг ассортиментли ва юқори сифатга эга бўлган тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш, маҳаллий хомашё асосида уни чуқурлаштириш, шу билан бир қаторда маҳаллий ишлаб чиқаришнинг экспорт потенциалини ошириш борасида комплекс тадбирлар олиб борилмоқда. 2017-2021йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “...миллий иқтисодиёт рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш”² вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифаларниҳал этишда, жумладан, пахта хомашёсини бирламчи ишлов беришдан бошлаб, то юқори кўшимча нархли тўқимачилик, рақобатбардош, қулай (комфорт)ликни таъминловчи тикув буюмларини ишлаб чиқаришгача бўлган саноат интеграциясини кўзда тутувчи кластерли моделни ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга бўлган устувор йўналиш ҳисобланади.

Ижтимоий муҳим аҳамиятга эга бўлган истеъмолчилар гуруҳларидан бири бу-болалар, мактаб ўқувчилари ҳисобланади. Уларнинг сони республика аҳолисининг учдан бир қисмини ташкил этади. Болалар учун мўлжалланган кийим бозори демографик вазият, табиий иқлим шароити ва истеъмолчиларнинг физиологик омиллари билан боғлиқ бўлган ўзига хосхусусиятга эга.

Бир томондан, болалар кийими бекаму-кўст юқори сифатга эга эканлиги, нархи пастлиги ва буюм ассортименти истеъмолчиларни ўзига жалб қилувчи модага мослиги, иккинчи томондан эса, ташқи бозорга рақобатбардошлиги ва маҳаллий хомашёдан фойдаланишга йўналтирилганлиги замонавий шароитда уни ишлаб чиқаришнинг муваффақиятли гарови ҳисобланади. Факатгина тикув

¹[https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International Trade Centre, ttp://www.export.by/act, http://worldofschool.ru2016](https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira.International%20Trade%20Centre,%20tp://www.export.by/act,%20http://worldofschool.ru2016)

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 сонли Фармони.

буюмларини комплекс лойиҳалаш ва ишлаб чиқаришнинг замонавий методларини қўллаган ҳолда ушбу талабларни қондириш мумкин.

Ҳозирги пайтда юзага келган муаммо шундаки, мактаб ўқувчилари учун кийим тайёрлашда мавжуд лойиҳалаш усуллари ушбу категориядаги истеъмолчилар талабларига етарли даражада йўналтирилмаган, ўзига хос хусусиятларини тўлиқ таъминламасдан ва жиддий равишда мослаштирмасдан, бир қатор сабаблар бўйича такомиллаштирмасдан улардан фойдаланиб келинмоқда. Халқ фаровонлиги ортиши билан устуворлик ва ижтимоий кийимлар алмашинуви юзага келади: ёш ва жинсий жиҳатдан болалар гуруҳи учун мўлжалланган буюмларга қўйилган талаблар табақалаштирилган ва турли ёшдаги болалар учун мўлжалланган кийимларга қўйилган талаблардан фарқ қилади. Шунини белгилаб қўйиш лозимки, мактаб ёшидаги болалар учун мўлжалланган тикув буюмларидан фойдаланиш сезиларли даражада ўзига хос хусусият ҳисобланади, чунки у интенсив эскириш ва бола ривожланишида юзага келадиган физиологик жараён билан тавсифланади. Мактаб ёшида болалар турли хил фаолиятлар билан банд бўлади ва шу сабаб, улар учун қулай (комфорт), кўркем ва ёшга таалукли, ўзига хос, функционал вазиятларга мос равишда кийим талаб қилинади. Бундан ташқари, мактаб ўқувчилари кийимини лойиҳалашда қадди-қомат типини аниқлаш, боланинг фаол ҳаракатланишини ҳисобга олган ҳолда, қулай (комфорт)ликни таъминловчи материалларни танлаш, модел ва конструкциясини ишлаб чиқиш билан боғлиқ бўлган масалалар юзага келади. Болалар кийимини, шу билан бир қаторда формали кийимни худди болани ўраб турган дунё предметининг муҳим аҳамиятга эга бўлган элементларидан биридек кўриб чиқиш лозим. Шунинг учун болалар кийимини лойиҳалашда уни худди тамойилдек, воситадек фараз қилиш ва лойиҳалаш фаолиятидек тасаввур қилиш имконини берувчи тизимли ёндашувни қўллаш, шунингдек, қарор қабул қилишнинг турли даражасида боғлиқликлар мажмуини ҳисобга олган ҳолда, болалар кийимини лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёнини яхлит бир бутун тизимдек кўриб чиқиш ўта муҳим.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон, “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада жадал ривожлантириш бўйича чора-тадбирлари дастури тўғрисида” 2017 йил 14 февралдаги ПФ-5285-сон Фармонлари, “2017-2019 йилларда тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлар дастури тўғрисида” 2016 йил 21 декабрдаги ПҚ-2687-сон, “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Давлат умумий ўрта таълим муассасалари ўқувчиларини замонавий ягона мактаб формаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 15 августдаги 666-сон қарори, шунингдек, ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий–ҳуқуқий

хужжатларда қайд қилинган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялар тараққиётининг устивор йўналишларга мослиги. Мазкур диссертация иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устивор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли ассортиментдаги кийимларни лойиҳалаш усуллари яратиш ва такомиллаштиришда бир қатор олимлар: Е.Б.Коблякова, Г.П.Бескоровайная, С.В.Куренова, С.К.Лопандина, О.Н.Харлова, В.Е.Кузьмичев, И.В.Черунова, Х.Х.Камилова, Р.О.Жилисбаева, С.Ш.Ташпулатов, Б.Р.Рыскулова, Ф.У.Нигматова, Г.И.Петушкова, И.Б.Ульяненко, Л.М.Литвинова, Л.Ш.Шамухитдинова, И.А.Лукашева, Ж.А.Юсупова каби олимлар томонидан олиб борилган илмий тадқиқот ишлари турли ассортиментдаги тикув буюмларини лойиҳалаш усуллари ва технологиясини ишлаб чиқишга бағишланган.

Кенг ассортиментли тикув буюмларини лойиҳалаш методологиясини ишлаб чиқиш ва технологиясига йўналтирилган кенг спектрли илмий тадқиқотлар Massachusetts Institute of Technology (США), Imperial College London (Буюк Британия), Royal Institute of Technology Sweden (Швеция), Technical University Bruno (Италия), Technical University Liberec (Германия), Calcutta Institute of Engineering (Индия), Institute of Textiles and Clothing (Гонконг), “Марказий тикувчилик саноати илмий-тадқиқот институти” АЖ, А.Н.Косигин номли Россия давлат университети, Иваново давлат политехника университети, Дон давлат техника университети, Санкт-Петербург давлат саноат технологияси ва дизайни университети, Киев технология ва дизайн миллий университети, Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ва бошқа бир қатор илғор илмий-тадқиқот марказлари ва олий ўқув муассалари томонидан олиб борилмоқда.

Шу билан бир қаторда болалар кийимини лойиҳалаш билан боғлиқ бўлган масалалар ҳолатини чуқур таҳлил қилиш натижасида маълум бўлдики, бунда кийимни лойиҳалаш (шу жумладан формали кийимни) ва технологик жараёни структурасига нисбатан тизимли ёндашув ва тизимли таҳлил, ноаниқ логика назарияси ва бошқа замонавий методларни қўллаш орқали умумлашган ягона методологиясини яратиш имконини берувчи тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг илмий-тадқиқот ишлари режалари, диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасаси билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг ЁА1-ОТ-0-18825 “Ўзбекистон Республикаси иссиқ иқлим шароитида болалар кийимини лойиҳалашнинг ўзига хослиги” (2015-2017), И-ОТ-2017-1-6 “Миллий анъаналар уйғунлигида шакллантирилган сахна либослари мажмуасини оммавий тадбирларга тадбиқ этиш” (2017-2018), От-Атех 542-2018 “Ўзбекистон Қуролли Кучлари учун

гардероб ва концепцияни ишлаб чиқиш” (2018-2020) мавзудаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади комплекс ёндашув асосида маҳаллий менталитет ва кийимдан фойдаланиш шароитини ҳисобга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари ўқувчилари учун қулай, (комфорт)ликни таъминловчи формали кийимни комплекс лойиҳалаш методологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

болалар формали кийимини лойиҳалаш муаммоларини қулай (комфорт)лик нуқтаи назаридан ишлаб чиқиш замонавий ҳолатини таҳлил қилиш;

иқлим шароити ва регионал ривожланиш омилларини ҳисобга олган ҳолда, болалар формали кийимини комплекс лойиҳалаш ягона концепциясини ишлаб чиқиш;

комплекс лойиҳалашга нисбатан дастлабки талаблар сифатида функционал-истеъмолчилик комплекси асосида болалар формали кийимини комплекс лойиҳалаш методини ишлаб чиқиш;

компонентлар тўпламига асосланиб болалар кийимини комплекс лойиҳалаш моделини ишлаб чиқиш;

болалар кийимини комплекс лойиҳалаш методологиясини ишлаб чиқариш шароитида синовдан ўтказиш, тадбиқ этиш ва эришилган иқтисодий самарадорликни ҳисоблаш.

Тадқиқот объекти таълим муассасалари ўқувчилари учун турли кўринишдаги формали кийими, лойиҳалаш жараёнлари.

Тадқиқот предмети регионал ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, тикув буюмлари компонентларини ва уларга қўйилган талабларни шакллантиришдан иборат.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида илмий-техникавий маълумотни умумлаштириш учун аналитик усуллар қўлланилди, шунингдек, тадқиқот жараёнида математик статистика, тизимли таҳлил методлари, объектга тизимли ёндашув, ноаниқ логика назарияси элементлари, эксперт баҳолаш, ижтимоий тадқиқотлар, тўқимачилик материалшунослиги, бадий композиция элементлари, тикув буюмлари технологияси қўлланилди. Шунингдек, диссертация ишини бажаришда Windows 2000 операцион муҳити учун Microsoft Word, Microsoft Excel, Photoshop, CorelDRAW, 3D StudioMax дастурларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

кийимга нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган муайян тартибни вазиятли таҳлил қилиш, форма шакллантириш назариясига асосланган болалар буюминини комплекс лойиҳалаш умумий стратегияси доирасида “инсон-кийим-атроф муҳит” тизимида болалар кийими саноат ассортиментини лойиҳалаш принципи ишлаб чиқилган;

илк бора таълим жараёнида мактаб ўқувчилари фаолияти функционал жараёнларини декомпозициялаш асосида болалар формали кийими рационал ассортиментини вазиятли лойиҳалаш методи яратилган;

конструктив бўлиниш ва моделларнинг ўзига хос технологик хусусияти, ўзаро боғлиқ бўлган материаллар пакети компонентлари тўплами сифатида тўпламлар назариясидан фойдаланиш асосида формали кийим комплекти таркибини оптималлаштириш механизми ишлаб чиқилган;

истеъмолчилик устиворлиги муайян тартиби ва экспертлар томондан берилган баҳога асосланган Noriaki Kano модели ёрдамида болалар кийими қулай(комфорт)лигини баҳолаш усули ва комплект массаси, ташқи кўриниши, материалларнинг ранги ва физик-механик хоссаларини ҳисобга олиш каби меъзонлари ишлаб чиқилган;

буюмнинг ҳаётий циклида болалар формали кийимининг қулай(комфорт)лиги ва маънавий-жисмоний, шартли-динамик кўрсаткичлари мажмуи, чидамлиликини аниқловчи умумлаштирилган модели яратилган;

мазкур диссертация ишида ишлаб чиқилган техник ечимлар Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг 9 та ихтиро патенти билан ҳимояланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

болалар формали кийимини лойиҳалаш ва тайёрлаш учун дастлабки талаблар сифатида универсал функционал-истеъмолчилик комплекси тақдим этилган;

регионал ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, болалар формали кийими замонавий ассортиментини шакллантириш методикаси ишлаб чиқилган;

болалар формали кийими учун мўлжалланган материалларни танлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

трикотаж матодан тайёрланган трикотаж пуловерга конструкторлик-технологик ҳужжатлар ишлаб чиқилган;

ўқиш, спорт билан шуғулланиш жараёнида ва йилнинг совуқ фаслида фойдаланиш учун мўлжалланган, Ўзбекистон Республикаси патенти билан ҳимоя қилинган янги болалар формали кийимининг саноат намуналари ишлаб чиқилган;

муаллифлик ишланмаларида “кейп” ва сумка-рюкзакка трансформацияланадиган кўп функционалли куртканинг оригинал конструкцияси ва технологик ечими яратилган ишланманинг техник янгилиги Россия Федерациясининг 2020 йил 25 мартдаги RU2717717-сон ихтиро патенти билан ҳимояланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқот натижалари мувофиқлиги, критерияли баҳолаш бўйича уларни бир-бирига мослиги, тадқиқот натижалари ишлаб чиқаришга кенг қўламда қўлланиши ва уларни ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ижобий баҳоланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти формали кийим саноат ассортиментини

комплекс лойиҳалаш методини ишлаб чиқиш ва асослаш, функционал-истеъмолчилик комплекси асосида болалар кийими кулай(комфорт)лигини таъминлаш учун комплексли метод ишлаб чиқиш, иқлим шароти ва регионал ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, болалар формали кийимини комплекс лойиҳалаш жараёнининг структуравий-логик моделини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг амалий ахамияти турли соҳаларда буюмларни универсал лойиҳалаш бевосита тақдим этилган методлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлинди, мактаб ўқувчилари кийими рационал тўпламини шакллантириш жараёни учун дастлабки маълумотлар массивини ишлаб чиқиш ва ёши, жинси турлича бўлган болалар гуруҳи учун мактаб формали кийими предметларининг рационал таркиби аниқланди, иқлим шароти ва регионал ўзига хосликни ҳисобга олган ҳолда, болалар формали кийимини замонавий ассортиментини шакллантириш методи ишлаб чиқилди, атроф муҳитнинг турли ҳарорат режимида кийим кулай(комфорт)лигини таъминловчи методика яратилди, ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш, юқори сифатга эга бўлган буюм ишлаб чиқаришни таъминловчи ва юқори истеъмолчилик талабини қондирувчи болалар формали кийимини лойиҳалаш ва тайёрлаш концепцияси ва технологик шартлари ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Болалар формали кийимини комплекс лойиҳалаш методологиясини ишлаб чиқиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

яратилган болалар формали кийимининг янги комплекти (устки ва кундалик кийим комплекти) “O`zto`qimachilik sanoat” Уюшмаси тизимига, хусусан “IDEAL” тикув буюмлари ишлаб чиқариш корхонасига жорий этилган (“O`zto`qimachilik sanoat” Уюшмасининг 2020 йил 12 июндаги 03/06-1527-сон маълумотномаси). Натижада ишлаб чиқариш самарадорлиги 9,1%га ошириш имконини берган;

болалар формали ва спорт кийимини комплекс лойиҳалаш методи ва ишлаб чиқариш технологияси (7 та комплектга дизайн ва техник вазифа) “O`zto`qimachilik sanoat” Уюшмаси тизимига, хусусан “UZTEXChirchik” ҚК МЧЖ тикувчилик корхонасида тадбиқ этилган (“O`zto`qimachilik sanoat” Уюшмасининг 2020 йил 12 июндаги 03/06-1527-сон маълумотномаси). Натижада тикув буюмларини ишлаб чиқариш самарадорлиги 10,4%га ошириш имконини берган;

яратилган болалар формали кийимининг янги комплекти (устки ва кундалик кийим комплекти) Тошкент шаҳрининг “OXBRIDGE INTERNATIONAL SCHOOL”, “OLTIN QANOT” умумтаълим мактабларида тадбиқ этилган. Натижада болаларнинг формали кийимдан юқори қониқиши таъминланган ва ижтимоий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Диссертация тадқиқотларининг асосий ҳолатлари ва натижалари 14 та илмий-техникавий анжуманларда, хусусан 6 та халқаро ва 8 та Республика илмий анжуманларида муҳокамадан ўтган ва ижобий баҳоланган. Диссертация ишлари “ПОДИУМ”, Tashkent

Fashion Week, “Болажонлар ширинтойлар” ва “Осиё Рамзи” Уюшмаси (2010-2019й.й.) республика ва халқаро ёш дизайнерлар танловларида намоиш қилинган ва дипломлар билан тақдирланган. Илмий тадқиқот натижалари “Дизайн” курси бўйича бакалаврият ва магистратурада инновацион кадрларни тайёрлашга йўналтирилган ўқув жараёнига тадбиқ этилган.

Натижанинг эълон қилинганлиги. Диссертациянинг асосий натижалари бўйича 32 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиянинг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола нашр этилган, шундан 6 та мақола чет элда, жумладан 3 таси Scopus халқаро базасига кирувчи журналларда, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясининг ихтиро ва саноат намунасига 9 та патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг асосий мазмуни 171 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, шунингдек, объект ва предмети шакллантирилган, тадқиқотнинг республика фан ва технология ривожланишининг устивор йўналишларига мувофиқлиги келтирилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, ҳамда олинган натижаларнинг назарий ва амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга эканлиги баён этилган, тадқиқот натижалари амалиётга жорий этилганлиги, эълон қилинган илмий ишлар вадиссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Болалар формали кийимини лойиҳалаш методининг замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида турли ассортиментли кийимларни лойиҳалаш усуллари ва вазифаси, буюмларга, хусусан болалар формали кийимига қўйилган талаблартаҳлили ёритиб берилган. Саноат корхоналари ишлаши борасида республика ва чет эл тажрибалари ўрганиб чиқилган ва умумлаштирилган, рационал ассортиментни яратиш ва буюм қулай(комфорт)лигини таъминлаш бўйича болалар кийимини лойиҳалашга замонавий ёндашув таҳлил қилинган. Болалар кийимини ишлаб чиқаришда қўлланиладиган материаллар ассортименти, болалар формали кийими ассортиментининг рационал структурасини шакллантириш ва истеъмолчилик талабини тадқиқ этиш анъанавий методлари таҳлил қилинган.

Болалар кийимини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган барча томонларини қамраб оладиган комплекс ёндашувни қўллаш лозим. Буюмнинг функционал ва истеъмолчилик ўзига хос хусусиятини ҳисобга олиш, мазкур тизимни худди бир бутун комплексдек кўриб чиқиш, шунингдек болалар организмни физиологик ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур. Болалар организми физиологик нуқтаи назардан катта ёшли аҳолидан сезиларли даражада фарқ қилади. Катта ёшли аҳолидан жиддий фарқ қилган

ҳолда, болалар организми ривожланиш жараёнида бўлади, болалар учун тўқимачилик материаллари ва кийим пакетини нотўғри танлаш ушбу тизимда биомеханика ва иссиқлик алмашинуви билан боғлиқ бўлган функциянинг нормал шароитини шакллантириш ва исътеъмол қодалари бузилишига олиб келади. Шунинг учун болалар кийимини лойиҳалашда болалар организмни ташқи таъсирлардан ҳимоялаш функцияси тизимини яратиш ўта муҳим, бундан ташқари эксплуатация шароитида қулай(комфорт)лигини таъминлашни ҳисобга олиш керак.

Юқорида қайд қилинган маълумотлардан маълум бўлдики, бунда болалар кийими (шу билар бир қаторда формали кийим) лойиҳалаш ва ишлаб чиқариш жараёни структурасига нисбатан тизимнинг яхлитлигидан келиб чиқиб, тизимли таҳлил, ноаниқ логика назарияси элементлари ва ҳ.к. каби тизимли ёндашув ва замонавий методларни қўллаган ҳолда, умумий методологияни ўрнатиш имкониятини берувчи тадқиқотлар етарли даражада олиб борилмаган.

Диссертациянинг **“Болалар формали кийимини комплекс лойиҳалашга методология асослари”** деб номланган иккинчи боби болалар формали кийимини комплекс лойиҳалашда тизимли ёндашувга нисбатан дастлабки талаблар сифатида функционал исътеъмолчилик комплексини (ФИК) ишлаб чиқишга бағишланган.

Диссертация ишининг ушбу бўлимида худди шунингдек, ФИКни шакллантириш шарт-шароити, мақсадли қўйилган болалар тикув буюмларини комплекс лойиҳалаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда тизимли ёндашувга нисбатан умумий ҳолатлар келтирилган ва илк бора қулай(комфорт) шароитни таъминлаш учун “инсон-формали кийим-атроф муҳит” тизимида болалар кийими компонентларини шакллантиришга тизимли ёндашув қўлланилган ва ушбу тизимни яхлит функционал тизим сифатида кўриб чиқиш таъкидланган (1-расм).

Тизимли таҳлил методологияси лойиҳалаш интеграцияси ва мақсадли фойдаланиш вазифасига кўра турлича бўлган буюмни тайёрлаш учун асос ҳисобланади. Тизимли ёндашув бу- компонентли, структурали, функционал, параметрик ва генетик таҳлил турларидан фойдаланган ҳолда объектни ҳар томонлама тадқиқ этиш кўзда тутилган алгоритмдир.

Компонентли таҳлил бу- таркибий элементларни (кичик тизимларни) ўз ичига олган ва ўз навбатида сезиларли даражада юқори ранг (уст тизимлар) тизимига кирувчи объектни худди тизимдек кўриб чиқишдир; объект компонентли моделини куриш асосида бажарилади.

Структурал таҳлил бу –объект компонентлари орасидаги ўзаротаъсирни (боғлиқликлар) аниқлаш; уни бажариш учунобъектнинг структурали модели курилади. Кўрсаткичлар таҳлили объектни –физикавий, иқтисодий, экологик ва ҳ.к. сифатли ривожланиш чегарасини ўрнатиш учун зарур.



1-расм. “Инсон-формали кийим- атроф муҳит” тизимидаги инсон фаолияти функционал жараёнларининг концептуал схемаси

Кўрсаткичларни таҳлил қилишда объектнинг асосий ва қўшимча функция даражаси ҳақидаги маълумотлардан фойдаланилади. Таҳлил жараёнида тадқиқ қиланаётган объект (генезис) тарихи: конструкцияси, тайёрлаш технологияси, ишлаб чиқариш серияси, фойдаланилган материаллар, ижтимоий омиллар ва ҳ.к. ўрганиб чиқилади, уларнинг ўзгариши билан боғлиқ бўлган ижобий ва салбий натижалар ҳақида хулосалар чиқарилади, бу объектни такомиллаштириш бўйича вазифа таклифларни шакллантириш имконини беради. Генетик таҳлил ўтказишда объект ҳаётининг даврининг барча босқичларида кўриб чиқилади.

Лойиҳа фаолиятининг тизимли характери ҳар доим унинг характерли ўзига хос хусусияти ҳисобланган, шунинг учун бозор маълумотлари сегменти билан истеъмолчилик ўзига хос хусусиятни ҳисобга олган ҳолда, болалар кийимини комплекс лойиҳалашнинг самарали методини ишлаб чиқишда тизимли таҳлил методологиясидан фойдаланиш зарур.

“Тизимли ёндашув”, “тизимли лойиҳалаш” тушунчаси “концептуал лойиҳалаш”, “лоyiҳалаш концепцияси” тушунчалари билан боғлиқ. Болалар формали кийимини концептуал лойиҳалаш деганда қай даражада конкрет буюм бўлган бўлса, худди шундек лойиҳалаш фаолиятида ҳам, маънавий

йўналтирилган мақсад, вазифа ва лойиҳалаш воситалари, маълум тасаввурда тизимлаштирилган ғоя тушунилади.

Лойиҳалаш жараёнини худди умумлаштирилган тизимлардек кўриб чиқиш, мосланувчан хусусий лойиҳа ечимларининг мантикий схемасини лойиҳалашга нисбатан тизимли ёндашувнинг операцион асоси ҳисобланади. Тизимли ёндашув асосида лойиҳалашнинг замонавий тенденцияси-бу дастурланаётган лойиҳалаш объектдан бошлаб, то эксплуатациясигача лойиҳа ечимларини прогнозлаш даражасини ошириш (ишлаб чиқишнинг бошланғич босқичларида) ва демак, лойиҳалаш ечими сифатини ҳам оширишдан иборат.

Болалар формали кийими лойиҳалашда тизимли ёндашувни қўллаш куйидаги ишлар ва тадқиқотларни ўтказиш билан боғлиқ: болалар формали кийимини лойиҳалаш умумий вазифасининг ҳар бирини мақсадли йўналтириш даражасида декомпозициялаш; лойиҳалаш босқичлари ўртасидаги лойиҳа ахбороти алмашинувимантикий схемасини куриш; комплекс лойиҳалаш мақсадлари ва критерияларини ўрнатиш; мактаб ўқувчилари эҳтиёжини ҳар томонлама кондирилишини таъминловчи, рационал структурали болалар формали кийимини лойиҳалаш методларини ишлаб чиқиш.

Юқорида келтирилган маълумотларни ҳисобга олган ҳолда, биз томондан болалар учун формали кийим комплектини амалий жиҳатдан кийиш шароитини ва конкрет ҳолатларда гардероб буюми сони ва таркибини аниқловчи ФИК концепцияси ишлаб чиқилди.

Шундай қилиб, ФИК болалар формали кийимини комплекс лойиҳалашга қўйилган дастлабки талабларни кўз билан кўриш учун расм бўлиб ҳисобланади ва конкрет вазиятда қониқтирувчи эксплуатация шароитидан ва буюм гардеробига қўйилган минимал керакли талабларга ўтувчи звено бўлиб қолади.

ФИК ҳар бир ҳолатда конкрет ва деталли тақдим этилиши керак. Бу ерда бўлиши мумкин бўлган барча аспектларга, яъни ёши, жинси, мавсуми, ҳарорат режими, вақтинчалик графикларга ва ҳ.к. эътиборни қаратиш лозим. Бунга боғлиқ бўлган ҳолда гардеробга қўйилган бир қатор талабларни шунингдек, эргономик, нархи, чидамлилиқ, шакл сақловчанлиқ, иссиқлик сақловчанлиқ хусусиятлари, буюмнинг умумий массаси, ўзаро алмашинув, бир шаклдан бошқа шаклга айлантиришни ҳисобга олган ҳолда, талабларни маълум даражада қондирувчи минимал сонни ажратиб олиш лозим.

Бунда инсоннинг буюмдан фойдаланиш жараёнидаги шароитни аниқ ва равшан ёзиб чиқиш, талабларни батафсил белгилаш, сўнгра рационал гардероб буюмининг таркиби ва минимал сонини шакллантириш лозим.

Ушбу схемани болалар қишқи кийими мисолида кўриб чиқамиз: қиш фаслида ҳарорат бир кун мобойнида -1 дан то 14°С гача ўзгаради; объект – кичик мактаб ёшидаги бола, у етарли даражада фаол ҳолатда суткада 3-4 соат вақтини кўчада ўтказади; бу жисмоний кучланиш билан бирга қўшилган мактабга бориш, сайр қилиш, транспорт воситасини кутган ҳолда мактабдан қайтиш; кўпболали оилаларда кийим, хусусан устки кийим катта болалардан кичикларига “мерос“ бўлиб ўтиши керак -деб, ҳисоблашади; устки кийимнинг

тез-тез ифлосланиши. Демак, болалар кийимини лойиҳалашда буюмнинг устки қисми учун осон ювилидиган ва тез қурийдиган, иссиқлик сақлаш хусусиятига эга бўлган газламалардан фойдаланиш лозим (айниқса устки кийим учун астарлик ва иссиқлик сақловчан материалларни танлашда); фурнитура масаласини ечишда боланинг ёшини ҳисобга олиш керак, яъни болаларнинг ўзи катталарёрдасиз кийим тугмаларини қадай олиши ва ечиши лозим; рюкзакларда *n*-сонли китоблар ва бошқа мактаб жихозлари мавжудлигини эътиборга олиш керак, яъни устки кийим максимал даражада енгил бўлиши керак, чунки мактаб ўқувчиси буларсиз ҳам, кафиллиги олинган юкка эга, шунингдек, кийим кўринишини ўзгартириш-бир шаклдан бошқа шаклга айлантириш имкониятига эга бўлиши керак; сайр қилиш вақтида ота-оналар кўпинча устки кийимнинг арзимас шикастланиши билан тўкнаш келади. Буни ҳисобга олиш ва уй шароитида қўл остидаги материаллар билан буюмни таъмирлаш керак бўлади; хусусан, бу ёшда болалар, қизлар модага мувофиқ равишда кийинишни хуш кўришади ва бу иккинчи даражали истак бўлиши мумкин, буни ҳам рационал гардеробни шакллантиришда ҳисобга олиш лозим.

Тизимли таҳлил усулини қўллашдан мақсад функционал истеъмолчилик комплекси (ФИК) шароитида айнан буюмни аниқловчи комфортликни таъминлаш учун уни ҳам, асосий таркибий қисмидек, ҳам, технологик жараёни шакллантириш параметрларидек тавсифланувчи хусусий параметрлар билан умумий параметрлар орасидаги боғлиқликларни ўрнатишдан иборат.

Дастлабки лойиҳалаш босқичида лойиҳалаш ечимлари структурасини тақдим этиш имконини берувчи вазифани қўйиш ва моделларни қуриш учун зарур бўлган, олинган асосий маълумотни таъминловчи тизимни комплексли таҳлил қилиш зарур, чункибу технологик жараён, алоҳида технологик операциялар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, шунингдек, бевосита лойиҳалаш босқичида деталли ишлаб чиқиш талаб қилинадиган “тор” жойларини ўрнатиш имконини беради. Бу эса ўз навбатида, мазкур босқичда вазифаларни шакллантириш ва кўриб чиқиладиган тизимнинг математик моделини қуриш зарурлигидан далолат беради.

Математик моделлар тенгламалар шаклига эга, улар ҳатто математик нуқтаи назаридан мураккаб бўлса ҳам, лекин жуда оддий структурага эга эканлиги билан фарқ қилади:

$$U = f(X_i, Y_i),$$

бу ерда: U - тизим ишлаб туришини тавсифловчи меъзонлар фойдалилиги ёки қиймати;

X_i - бошқариш мумкин бўлган ўзгарувчанлар;

Y_i - бошқариб бўлмайдиган, лекин U ва f кўрсаткичларга таъсир этадиган ўзгарувчанлар (ва ўзгармаслар);

f – U , X_i ва Y_i кўрсаткичлар тўплами орасидаги ўзаро нисбат ҳақидаги берилган функция.


Агар бизнинг ҳолатимизда болалар формали кийимини “инсон-кийим-атроф муҳит” тизимидаги конкрет буюмни (ёки минимал керакли гардеробни) ишлаб чиқиш учун функционал элементлар тўпламидек кўриб чиқадиган

бўлсак, у ҳолда бу тўпламни куйидаги дастлабки шартли матрицаси кўринишида ёзиб чиқиш мумкин:

$$СИ = \begin{cases} К_0. \\ С_в. \\ Ц \\ ОС \\ ЖЦ \end{cases}$$

бу ерда, K_0 – тизим компонентлари; $C_в$ – тизимли боғлиқликлар; $Ц$ – тизим мақсади; $ОС$ – атроф муҳит; $ЖЦ$ – тизимнинг ҳаётий цикли.

Талаб қилинган кийимни (болалар формали кийими), масалан совуқ вақтда фойдаланиладиган буюмни комплекс лойиҳалаш методини ишлаб чиқишда, айтайлик, мазкур буюм пакетини шакллантиришда ФИКга мувофиқ дастлабки шарт сифатида ўзаро боғлиқ бўлган компонентлар тўплами матрицасини яратиш зарур (2-расм). Бунда, қулай(комфорт)ликни асосий кўрсаткичларидан бири сифатида буюмнинг ўзини массасива трансформация имкониятини қабул қилиш лозим. Буюм пакетини тайёрлаш механизми (иссиқлик сақловчи қистирмалар таркиби), конструктив ажратиш механизми (бир шаклдан бошқа шаклга айлантириш) ва пакетни буюмда қайд қилиш механизминини модификациялаган ҳолда, буюмни умумий кўринишда берилган компонентлар тўпламини олиш мумкин. ФИК дастлабки талабларидан келиб чиққан ҳолда, берилган хусусиятларга эга бўлган ушбу тизимни яратишда шакллантираётган компонентларнинг ўзаро таъсир этишида ва кичик тизимларнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларини аниқлаш зарур.



2-расм. Айнан бир хил бўлган тавсифлар билан ўзаро боғлиқ бўлган тўпламлар тизими, бу ерда КП - пакет компоненти; КЧ – конструктив бўлиниш; ТО - технологик ўзига хос хусусият; С - тўплам қатлами; Ч - тўплам бўлиниши; Ф – тўплам бирлашмаси; Х – тавсиф (хусусият)

Барча буюмни рационал массаси, уни конструктив ажратиш ва технологик ўзига хос хусусияти асосида (асосан пакет компонентига боғлиқ бўлади) кийим қулай (комфорт)лигини таъминлаш ҳақида ўйланган ғояни амалга оширишда модифицирланган компонентли буюм пакети (уст кийим газламаси, самарали иссиқлик сақловчи қатлам ва астарлик), уни конструктив бўлиш ва технологик (бир шаклдан иккинчи шаклга айлантирилиш) функцияси

муҳим аҳамият касб этади. Амалиётда ҳар қандай тикув буюмлари ушбу компонентларнинг мажмуи ҳисобланади, ва ушбу компонентларни алоҳида худди мустақил бирликдек кўриб чиқиш рационал бўлмайди. Шу сабаб, асосий мақсадга эришиш учун ушбу илмий ишда белгиланган учта компонентнинг ўзаро боғлиқликлари асосида тузилган асосий матрица (ГМ) қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\text{ГМ} = \begin{Bmatrix} \text{М}_{\text{КП}} & \text{ВИ} & \text{ОС} & \text{Н} \\ & 1 & 1 & 1 \\ \text{М}_{\text{КЧ}} & 1 & 1 & 1 \\ \text{М}_{\text{ТО}} & 1 & 1 & 1 \end{Bmatrix}$$

бу ерда, $\text{М}_{\text{КП}}$ – буюм пакети компонентлари; $\text{М}_{\text{КЧ}}$ – буюмни конструктив бўлиниши; $\text{М}_{\text{ТО}}$ – буюмнинг технологик ўзига хос хусусияти (бир шаклдан иккинчи шаклга айлантирилиш); ВИ-буюм оғирлиги; ОС-атроф муҳит, Н– истеъмолчини кузатиш.

Юқорида қайд қилинган маълум ФИК шароитларида қулай (комфортли) фойдаланиш шароитини аниқловчи ($\text{М}_{\text{КП}}$, $\text{М}_{\text{КЧ}}$, $\text{М}_{\text{ТО}}$) компонентлар турли тўпламларга таалуқли бўлиши, ўзаро боғлиқликларга эга бўлиши ва эга бўлмаслиги мумкин.

“Кийим қулайлиги(комфорти)” тушунчасини шартли равишда психоэмоционал ва физиологик кўрсаткичларга ажратиш мумкин. Психоэмоционал комфорттикув буюмларидан қоникқанлик даражасини билдиради ва эстетик ва ижтимоий кўрсаткичлар билан тавсифланади. Физикавий комфорт истеъмолчининг худди шундай психоэмоционал ҳолатига таъсир этади ва эргономик, физикавий-механик кўрсаткичлар, шунингдек ФИК тизимининг маълум шароитларида инсоннинг ҳаётини хавфсизлигини таъминлаш билан тавсифланади.

Шунинг учун компонентларнинг ўзаро боғлиқлиги ва айнан ўхшашлигини аниқлаш мақсадида болалар кийимига мўлжалланган материал компонентларининг буюм қулай(комфорт)лиги таъсир этиш нуқтаи назаридан энг муҳим аҳамиятга эга бўлган хусусиятларини аниқлаш учун истеъмолчилар (ота-оналар ва экспертлар) орасида ижтимоий тадқиқот ўтказилди. 1957 нафар ота-оналар (истеъмолчилар) ўртасида юзма-юз ва миқёсдаги географияни қамраб олиш имконини берувчи Internet тармоғи орқали сиртдан сўровнома ўтказилди.

Сўров ўтказишдан мақсад ота-оналар нуқтаи назаридан кийим компонентининг ўзаро боғлиқ бўлган ва айнан ўхшаш хусусиятларини аниқлашдан иборат. Ўтказилган сўров натижасида ўн та кўрсаткичлар аниқланди: инсоннинг буюмни истеъмол қилиш жараёнида ўзининг вазифасига кўра муайян талабларни қондира олиш, мослик (эргономик мувофиқлиги), бўйаш ва ювишга чидамлилик; қулай (комфорт)ликни таъминлаш; колористик безалганлик; конструктив ўзига хослик; конструктив хусусияти (битта шаклдан бошқа шаклга айлантириш); технологик хусусияти (фурнитурадан фойдаланиш

кулайлиги); ҳаёт таъминоти ҳавфсизлик даражаси; ҳаво ўтказувчанлик; иссиқлик сақлаш хусусияти.

1957 нафар ота-оналар ва экспертлар ўртасида олиб борилган сўров натижалари таҳлили Noriaki Kano моделидан фойдаланган ҳолда олиб борилди. Ушбу моделни қўллаш шу билан боғлиқки, бунда маҳсулотнинг айрим тавсифларига нисбатан истеъмолчиларнинг эмоционал реакциясини баҳолашда ушбу усулдан фойдаланилади. Унинг ёрдамида олинган натижалар истеъмолчиларнинг қониққанлик даражаси ва холислигини бошқариш имконини беради.

Биринчи босқичда ота-оналар нуқтаи назаридан кийимнинг қайси хусусиятлари энг муҳим ҳисобланишини аниқлаб олиш лозим. Натижада 10 та асосий хусусиятлар аниқланди.

Кейинги босқич Noriaki Kano модели ёрдамида олинган тавсифларни таҳлил қилишдан иборат. Ушбу восита болалар кийимидан фойдаланиш жараёнида истеъмолчилар (мазкур ҳолатда ота-оналар) нимани кутаётганликларини англаб олиш имконини беради.

Сўровномада иштирок этувчиларга, Noriaki Kano моделига биноан, 5 та вариант жавоб бериш таклиф этилди: 1.Менга ёқади; 2.Шундай бўлиши керак; 3.Менга бари бир; 4.Бу билан яшаш (чидаш) мумкин; 5.Менга ёқмайди.

Ушбу ишда асосий тавсифи бўйича берилган баҳолаш (комплект массаси, ташқи кўриниши, физик-механик хусусияти) натижасига тўхталиб ўтамиз (1-3 жадвал).

1-жадвал

Комплект массасини баҳолаш

Функционал тавсиф,%	Дисфункционалбаҳолаш, %				
	Юқори даражада комфортли	Комфортли	“Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	Фарқи йўқ	Комфортли эмас
Юқори даражада комфортли	0	0	0	0	45
Комфортли	0	0	0	19	30
“Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	0	0	0	13	27
Фарқи йўқ	0	0	12	15	11
Комфортли эмас	0	0	0	0	0

Комплектнинг ташқи кўринишини баҳолаш

Функционал тавсиф,%	Дисфункционал баҳолаш, %				
	Юқори даражада комфортли	Комфортли	Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	Фарқи йўқ	Комфортли эмас
Юқори даражада комфортли	0	0	11	11	39
Комфортли	0	0	10	0	27
“Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	0	0	10	13	16
Фарқи йўқ	0	11	13	14	28
Комфортли эмас	0	5	15	14	22

Комплект учун мўлжалланган материалларнинг физикавий-механик хусусияти кўрсаткичлари бўйича баҳолаш

Функционал тавсиф,%	Дисфункционал баҳолаш, %				
	Юқори даражада комфортли	Комфортли	Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	Фарқи йўқ	Комфортли эмас
Юқори даражада комфортли	0	0	0	4	9
Комфортли	0	0	0	3	7
“Йўқ” га нисбатан “ха” кўп	0	0	0	5	6
Фарқи йўқ	0	0	3	8	11
Комфортли эмас	0	0	0	9	12

Noriaki Капо модели бўйича бирга қўшилган функционал ва дисфункционал тавсифлар 4-жадвалда тақдим этилган.

Капо методи бўйича сўров натижаларини талқин қилиш матрицаси

Функционал тавсиф	Дисфункционал баҳолаш, %				
	1	2	3	4	5
1	Шубҳали	Қайта харакатли	Аҳамиятсиз	Бир хил	Жозибадор
2	Шубҳали	Аҳамиятсиз	Бир хил	Бир хил	Жозибадор
3	Қайта таъсир қилади	Аҳамиятсиз	Аҳамиятсиз	Аҳамиятсиз	Бир хил
4	Аҳамиятсиз	Бир хил	Бир хил	Аҳамиятсиз	Бир хил
5	Бир меърда	Қайта таъсир қилади	Қайта таъсир қилади	Бир хил	Аҳамиятсиз

Юқорида келтирилган маълумотлар асосида болалар кийими истеъмолчиларининг (ота-оналарнинг) қоникқанлик ва қоникмаганлик картаси курилди (3-расм).



3-расм. Болалар кийими истеъмолчиларининг (ота-оналарнинг) қоникқанлик ва қоникмаганлик картаси, бу ерда 1- комплект массаси; 2- ташқи кўриниши; 3- физик-механикхусусияти.


Тадқиқот натижаларидан кўришиб турганидек, қулай(комфорт)ликни таъминлаш, буюм комплекти оғирлиги ва буюмнинг мақсадли фойдаланишга мувофиқлиги энг муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткич ҳисобланади.

Кийимнинг физикавий қулай(комфорт)лиги бир неча омилларга боғлиқ. Болалар кийими қулай(комфорт)лигига таъсир этувчи энг муҳим аҳамиятга эга бўлган кўрсаткичларни аниқлаш учун экспертли баҳолаш усулидан фойдаланилди. Бу конструкторлик ва технологик кўрсаткичлар тизими бўлиб, у билан бир қаторда буюм пакети компонентлари, шунингдек, алоҳида бадий безак бериш кийим қулай(комфорт)лигини тавсифламайди.

Шунинг учун кийим қулай(комфорт)лигини баҳолаш учун, юқоридагилардан ташқари, диссертация ишида кийимдан фойдаланиш жараёнида комплект массаси болаларнинг тактил ҳиссиётларига таъсир этиши тадқиқ этилди.


Диссертация ишининг **“Болалар формали кийими ассортиментининг рационал структурасини лойиҳалаш методини ишлаб чиқиш”** деб номланган учинчи боби болалар формали кийими гардеробига нисбатан минимал керакли шароитларни таъминлаш бўйича олиб борилган тадқиқотга бағишланган.

Турли ёшдаги гуруҳларда олиб борилган сўров натижаларидан формали кийим комплектини афзаллиги маълум бўлди. Кичик мактаб ёшидаги ўғил болалар нимча билан шимни ва қиз болалар блузка билан сарафанни афзал кўриши комплектнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради (4-расм).



4-расм. Кичик мактаб ёшидаги ўғил ва қиз болалар мисолидаги комплектлик бўйича респодентларнинг устуворлиги

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида мисол тариқасида энг афзал ранг сифатида кўк ранг, Қашқадарё, Сухондарё, Хоразм ва Қорақолпоғистон Республикасида эса, жигар ранг танлаб олинди (5-расм).



5-расм. Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир ҳудудларида афзал кўрилган ранг комплекти

Болалар гардероби ФИК тизимидаги кўпфункционал ва кўпкритериал объект ҳисобланади. Унинг таркиби ва структурасига бир қанча омиллар, масалан, табиий-иқлим, этник, физиологик ва ижтимоий-демографик омиллар таъсир этади. Саноат кийими ассортиментини (СКА) бошқаришда кийим гардеробига бўлган эҳтиёжи ортиши, қониққанлик даражасини кенгайтириши, талаб динамикасининг кўтарилиши билан боғлиқ бўлган қарорни қабул қилиш усуллари ва яратиш зарурияти юзага келади. Бунда, саноат тармоқлари орасидаги комплекслар, саноат тармоқлари, корхоналарнинг илмий-техникавий ва ишлаб чиқариш сиёсатида самарали таъсир этишини таъминлаши мумкин. Амалиёт шуни кўрсатдики, алоҳида буюмларни бир марталик лойиҳалашни ишлаб чиқиш йўли орқали ушбу муаммо ўз ечимини топмайди.

Тақдим этилган янги (СКА) лойиҳалаш стратегиясида ассортимент бир вақтнинг ўзида максимал, имкон қадар хомашё, технологик ва бошқа оммавий ишлаб чиқариш имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, турли гуруҳлардаги эҳтиёж шароитларини (истеъмолчилик вазияти) тўлиқ ва дифференцирланган ҳолда қамраб олишга йўналтирилган.

Янги стратегияда СКА лойиҳалашнинг муҳим аҳамиятга эга бўлган принципларидан бири инсоннинг турли феъл-атвори вазиятини моделлаштириш

ҳисобланади ва шу билан боғлиқ бўлган ҳолда, ҳаёт тарзини ривожлантириш қонуниятларини тадқиқ этиш зарурияти юзага келади ва бу лойиҳавий-типологик принциплар орқали амалга оширилади.

Мавжуд усулларнинг афзаллиги шундан иборатки, бунда лойиҳаланган ассортимент структураси турли гуруҳга таалукли бўлган аҳолининг истеъмолчилик устиворлиги, корхонанинг техникавий талаблари, мода йўналиши асосида ишлаб чиқилади.

Бироқ, боларнинг биринчи йил ҳаёти учун СКА ишлаб чиқишда жиддий равишда ўзгартиришлар киритмасдан ва бир қатор сабабларга кўра ишнинг камчиликларини тўлдирмасдан мазкур методдан фойдаланишнинг иложи йўқ. Биринчидан, топологик модел яратишда ва бошқа гуруҳдаги аҳоли учун ҳам, типни шакллантирувчи сифатида ҳам, ўша омилларни олиш мумкин эмас. Иккинчидан, мактабгача ва мактаб ёшидаги болалар кийимига қўйилган талаблар катта ёшли ўспирин болалардан сезиларли даражада фарқ қилади. Учинчидан, бу гуруҳга таалукли бўлган болалар кийимига бўлган эҳтиёж вазияти ўзига хос хусусиятга эга: бир томондан, интенсив эскириш, иккинчи томондан тезкор ўсиш жараёни. Тўртинчидан, болалар кийимини ишлаб чиқарувчи СКАни шакллантириш усуллари катта ёшли аҳоли учун мўлжалланган махсус кийим тайёрлашга ихтисослаштирилган корхоналарда фойдаланадиган усуллардан кескин фарқ қилади.

Тақдим этилган усулнинг асосий босқичларидан бири – функционал истеъмолчилик типажини, яъни саноат ассортиментини (унинг гуруҳи ва алоҳида буюмлар) оптимал номенклатурасини лойиҳалашда дастлабки методология сифатида ҳисобланувчи ва буюмнинг ҳаётий циклидаги барча босқични камраб оладиган истеъмолчилик вазиятини (ИВ) моделлаштириш ҳисобланади. “Вазиятли лойиҳалаш” назариясининг асосий ҳолати куйидагилардан иборат.

Истеъмолчи истиқомат қилиши мумкин бўлган жойи, вақти, ҳарорат режими ва бошқа кўрсаткичлар билан тавсифланадиган ўзининг кийим тўплами ёки инсон учун керакли бўлган унинг элементлари ҳар бир ИВга мувофиқ бўлади.

ИВ генерациялаш йўли билан истеъмолчининг $D = \{d_1, d_2, \dots, d_n\}$ типавий суткалик вақт бюджетини икки ўлчамли бириктириш ва морфологик қутилар методи ёрдамида регион $S = \{s_1, s_2, \dots, s_n\}$ климаграммаларини типавий бўлиш орқали турли об-ҳаво синфлари ва инсоннинг суткалик вақт фондиди синтезланиши мумкин.

ИВ шакллантириш кийимдан фойдаланиш ва рационал гардеробнинг ишлаб чиқиладиган кийим турларига бўлган эҳтиёж гуруҳининг реал шароитини моделлаштириш ва ИВ типологиясини қуриш имконини беради.

ИВ шакллантиришнинг математик модели (P_{ij}) ни D ва S : $P_{ij} \in \{D, S\}$, тўплам жуфтлиги сифатида аниқлаш мумкин, бу ерда $D = \{d_1, d_2, \dots, d_i\}$ -

истеъмолчининг типавий суткалик вақт бюджети, $S = \{s_1, s_2, \dots, s_j\}$ регион климаграммаси.

$$\left(\begin{array}{cccccc} P_{11} & P_{12} & P_{13} & \dots & P_{14} \\ P_{21} & P_{22} & P_{23} & & P_{2l} \\ \dots & \dots & \dots & \dots & \dots \\ P_{n1} & P_{n2} & P_{n3} & \dots & P_{nz} \end{array} \right)$$

Вазиятли лойиҳалаш методи ёрдамида болалар кийими рационал ассортиментини яратиш вазифаси учта босқичда бажарилади: функционал-истеъмолчилик типажиди моделлаштириш (энг оммавий вазият ва уларнинг комбинацияси); вазиятни аниқлаш учун кийим гардероби ва базали комплектлар типини ишлаб чиқиш; болалар формали кийими саноат ассортиментини шакллантириш.

Функционал-истеъмолчилик типажини моделлаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Гидрометеорологик хизмати натижалари бўйича тузилган турли об-ҳаво синфлари аниқланди. Федоров-Чубуков томонидан ишлаб чиқилган ва тиббиёт климатологиясида фойдаланиладиган турли об-ҳаво синфларидаги иқлим шароити структура жадвалидан фойдаланган ҳолда, мазкур жой учун ҳарорат режимлари ва оғирлиги аниқланди ва об-ҳаво синфлари йил фаслига ҳам, ойлар бўйича ҳам, тақсимланди. Масалан, об-ҳаво класслари ва уларни учрашини йил давомида тақсимлаш: d1 – жуда совуқ ўртача нам кунлар, d2 – совуқ, ярим куруқ, ўртача-нам кунлар, d3 – ўртача-куруқ, яримкуруқ ўртача нам кунлар, d4 – илиқ куруқ, ярим куруқ ўртача-нам ва нам кунлар, d5 – жуда иссиқ куруқ, ярим куруқ ва ўртача-нам ва нам кунлар, d6 – иссиқ, куруқ, яримкуруқ ва ўртача-нам кунлар (1-жадвал).

Сўнгра, мактаб ёшидаги болалар ҳаётини фаолияти функционал жараёни ва истеъмолчиларининг суткалик вақт фондини ўрганиб чиқиш, ота-оналар сўроғи ва лойиҳавий эксперимент натижалари асосида типовой суткалик вақт бюджети аниқланди.

Истеъмолчиларнинг типовой суткалик бюджет вақти модуллари ва ҳарорат режими модуллари йўналишида типологиялар кесишмаси изланаётган натиж конкрет ИВ номенклатурасини беради. ИВ рўйхатини ота-оналарнинг истеъмолчилик устиворлигикесимида кўриб чиқиш гардероб таркиби ва структурасига кўйилган истеъмолчилик талаби иерархияси ва сезиларли даражада кўп учрайдиган вазият комбинацияларини аниқлаш имкониятини беради.

Шуни белгилаб қўйиш лозимки, бунда ассортиментни шакллантиришда кесишиш процедураси ҳар доим мазкур вақт кесимида олиб борилиши керак. Болалар кийимини вазиятли лойиҳалаш методини ишлаб чиқиш афзалликлари ҳам, шундан иборат.

ИВ номенклатураси ва уларнинг предметли таъминлаш воситаларини гуруҳлашда “инсон-кийим-атроф муҳит” тизимида одамларнинг реал ҳаётини фаолиятига боғлиқ бўлган ҳолда, унинг қўшимча имконияти, ўзгариши варивожланиши кўзда тутилган.


Иккинчи босқичда ишлаб чиқилаётган кийим турларига қўйилган истеъмолчилик ва ишлаб чиқариш талабларини ўрнатиш, аниқланган вазият учун базавий комплект типи, болалар формали кийимнинг рационал гардеробини шакллантириш бўйича ишлар бажарилади. Ассортимент матричасини шакллантириш ишнинг якуний босқичи ҳисобланади.

Шундай қилиб, ИВ типологиясини шакллантириш дизайн воситалари ва методларидан фойдаланган ҳолда лойиҳавий-типологик ёндашув асосида болалар формали кийими турлари ва кўриниши, барча гуруҳ ассортиментини ва оптимал номенклатурасини ишлаб чиқиш учун база, йўлланма, санок нуқтаси асоси бўлиб хизмат қилади.

Бунда болалар кийими ассортиментини шакллантириш ва унинг мақсадли вазифаси истеъмолчилик вазияти ва истеъмолчилик устиворлиги синтезига асосланган бўлиши керак.

Ушбу маълумотга таяниш учун маркетинг тадқиқот ўтказиш ва уларни амалиётда суткалик вақт бюджетини ўрганишга тадбиқ қилиш лозим. Лойиҳа типологиясининг принциплари болалар формали кийими рационал ассортиментини ишлаб чиқишда апробациядан ўтказилди.

